



## HAYOT DAVOMIDA TA'LIM Olish: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Ибрагимова Гулноза Сайидмуродовна**

*Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот  
институтини 2-босқич таянч докторанти*

### ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ДИАГНОСТИК ТАҲЛИЛНИНГ АҲАМИЯТИ

#### *Резюме*

Мақолада педагогика олий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштиришда диагностик таҳлилнинг аҳамияти ўрганилган. Зеро, таълимдаги ислохотнинг пойдевори айнан педагогика таълим муассасаларидан бошланади. Шунинг учун ушбу жараённи ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

**Таян сўзлар:** интеграция, инновация, тараққиёт, диагностика, таълим-тарбия, педагогика.

Жаҳон миқёсида олий таълим муассасаларида таълим сифати, яъни сифатли кадрлар тайёрлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» [1,23] долзарб вазифа сифатида белгиланган. Хорижий давлатларда аксарият олий таълим муассасаларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва уларнинг автономиясининг кенгайиши олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини юзага келтирмоқда. Айниқса, олий таълимнинг байналминаллашуви ва глобаллашуви таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда [2].

Олий таълим тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётнинг устувор соҳалари бўйича етук кадрлар тайёрлаш, олий таълим муассасаларининг



халқаро рейтингини ошириш масалалари ҳақидаги ҳар томонлама илмий асосланган хулосалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маъруза ва нутқларида акс этган.

Таълим муассасаларида марказлашган таълим сифати диагностикасини ташкил қилиш, таълим сифатини назорат қилишда нодавлат ва ноижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлаш, ўқитиш сифати мониторингининг электрон тизимини ишлаб чиқишга доир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таълим сифатини баҳолашнинг интерактив дастурий воситаларини яратиш, ўқитиш сифати мониторингининг ташкилий моделини такомиллаштириш, инновацион ёндашувлар асосида таълим сифатини назорат қилишнинг компаративистик технологияларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикада таълим сифати мониторинги жараёнида халқаро баҳолаш дастурларини кенг жорий этиш, ўқитиш сифатини баҳолашнинг электрон тизимини такомиллаштириш, таълим сифати прогностикасига устуворлик бериш асосида диагностик таъминотини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда [3]. Шу билан бирга ҳозирда олий таълим сифати мониторингини такомиллаштириш, жумладан, олий таълим муассасаларида педагогик фаолият самарадорлигини баҳолашнинг квалитетрик кўрсаткичларини аниқлаштириш, олий таълим сифати мониторинги диагностик технологияларини такомиллаштиришга алоҳида зарурат мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро таълим стандартларини жорий қилиш ва таълим сифатини баҳолаш асосида олий таълим муассасалари фаолияти сифати ва самарадорлигини ошириш»[4] устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таълим сифатини баҳолашнинг индикаторлари ҳамда ўқитиш сифатини назорат қилишнинг ташкилий механизминини такомиллаштиришни тақозо қилади. Бунда, албатта бизга жараёни диагностикаси ёрдам беради.

Ҳар қандай фаолият замирида ҳам амалга оширилган ишларнинг пировард мақсади, вазифалари ва қутилган натижалари бўлади. Фаолият натижаларини сарҳисоб қилиш, амалий хулосалар яшаш – бўш ёки муваффақиятли ўринларни белгилаб олиш, фаолиятнинг кейинги босқичларида уни ҳисобга олиш диагностика дейилади.

Педагогик диагностика таълим самарадорлиги, иш мазмуни, олиб борилган педагогик фаолиятни таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга бўлиб, илғор таълим муассасаларида бу иш услуги муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда, ютуқлар мустаҳкамланиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни таҳлил қилиш асосида бош стратегик йўналишлар белгилаб олинмоқда ва юқори даражадаги пировард натижалар қўлга киритилмоқда.

Савол туғилади:



➤ бола қобилияти, имконияти, билими, эгаллаган кўникмаларининг ўлчови борми?

➤ боланинг билиш ва кўникмаларини белгилашга ўқитувчи аралашгани маъқулми ёки ўзига-ўзи баҳо бергани афзалроқми?

Мана шу саволларга энг мақбул асосларда жавоб бериш педагогик диагностиканинг предметиدير. Мана шу мақсадни рўёбга чиқариш йўл-йўриқлари, методик механизмларини ишлаб чиқиш, жорий этиш муҳим вазифади. Педагогик диагностиканинг тарихи педагогик фаолият тарихи билан деярли тенгдош. Бошқача қилиб айтганда, педагогик жараён минг йиллардан бери мавжуд бўлса, бу фаолиятнинг меъёрлари ва натижаларини белгилаш ҳам шунчалик қадимийди. Демокчимизки, тлаба билимига баҳо қўйиш, уни синов ва имтихон қилиш, пировард иш натижаларини белгилаб олиш бошланган ерда педагогик диагностика ҳам мавжуд. Фақат фарқ шундаки, ибтидоий ва ўрта аср педагогикасида бола билими ва иқтидорини диагностик таҳлил қилишнинг илмий асоси йўқ эди. Педагогик диагностикани илмий асосда таҳлил этиш ва йўлга қўйиш XX аср бошларида амалга оширилган. Шу боисдан, бу педагогик жараённинг номланиши ҳам турлича бўлган.

Айримлар педагогик диагностикани таклиф этилган билимларни ўзлаштириш асоси дейишади. Бошқалар диагностика ўқитишни жадаллаштирувчи ахборотди деб ҳисоблайдилар. Яна айримлар эса диагностика эгалланган билим сифатини назорат этишди, деган фикрни илгари сурадилар.

Таниқли педагогик олим Мацерман педагогик диагностикани «ўқувчи ўзлаштириши билан, ўқув материални тўғри танлаш, мақсадни тўғри йўналтириш мезонидир» деб ҳисоблайди.

Аслида педагогик диагностика ўқув материални билиш жараёнининг асосини ташкил этиб, мақбул педагогик хулосага келишга замин яратади.

Шу боисдан ҳам, педагогик диагностика:

✚ биринчидан, ўқувчига индивидуал таълим беришни жадаллаштиради;  
✚ иккинчидан, давлат ва жамиятнинг таълимга қўйган талабларидан келиб чиқиб, ўқувчи билимини тўғри, адолатли баҳолашни таъминлайди;

✚ учинчидан, ишлаб чиқилган таълимий мезон, критериялар орқали ўқувчининг синфдан синфга ўтишида, мутахассисликка қабул қилинишида минимал талабларга жавоб беришини белгилайди.

Педагогик диагностика ёрдамида таълим-тарбия жараёни тўғри таҳлил этилади ва унинг самарадорлиги тўғри баҳоланади. Бошқача қилиб айтганда, педагогик диагностика орқали таълим объекти, таълимий тушунчалар қай даражада ўзлаштирилганлиги таҳлил этилади, бутун ўқув курсини, ўқув дастурларини ўзлаштириш даражаси баҳоланади.

Педагогик диагностика муҳим аҳамиятга эга. У ўқув-тарбия жараёнини яхшилашга хизмат қилади, таълимий фаолият натижасида эришилган самараларни ҳолислик билан белгилаб беради, йўл қўйилган камчилик ва



нуксонларни бартараф этишга йўл очади, пировард натижада таълимнинг такомиллашиб боришига ижобий таъсир қилади.

Педагогик диагностика тарихига назар ташласак, ўтган асрларда у фақат ўқувчи билимини баҳолаш орқали амалга оширилганини кузатамиз. Унга 1864 йилда АКШ олимлари Д. Фишер ва Р. Ресслар асос солганлар, 1908 йилдан бошлаб эса, олим Т. Стоун арифметикадан тест орқали ўқувчи билимини синаш тизимини татбиқ этган.

Эгаллаган малакани аниқлашга қаратилган педагогик диагностика ёки диагностик фаолиятнинг айрим жиҳатлари:

- ✓ таққослаш;
- ✓ педагогик таҳлил;
- ✓ аввалдан айта билиш (прогноз);
- ✓ интерпретация;
- ✓ педагогик диагностика натижаларини ўқувчиларга етказиш;
- ✓ амалга оширилган турли диагностик методларни ўқувчиларга етказиш;
- ✓ педагогик диагностика методларини тўғри белгилашдан иборат бўлган.

Педагогик диагностиканинг энг муҳим критерийлари эса:

- ✓ ҳаққонийлик (объективность);
- ✓ ишончлилик (надежность);
- ✓ пухталиқ (валидность) ка асосланади.

Диагностик таҳлиллар қачон объектив бўлади:

- ❖ Агар: синов натижалари турли текширувларда бир хил натижалар кўрсатилиб, кўрсаткичлар ўзаро бир-бирига яқин бўлса;
- ❖ Агар: синов мезонлари, ўлчовлари бирлиги ҳамда унинг натижалари синовни амалга оширувчи, аниқловчининг шахси хислати ва муносабатларига боғлиқ бўлмаса;
- ❖ Агар: синов бир хил талаб, бир хил муносабат ва психологик кайфиятда амалга оширилса, ҳақиқий аҳволни аниқлашда объектив натижалар олиниши мумкин.

Модомики мақсад ҳақиқий таълимий аҳволни аниқлаш экан, унга тўғри, ҳалоллик, ҳаққонийлик билан ёндашиш зарур. Акс ҳолда, диагностикадан кўзланган натижага эришиш, тўғри ташҳис белгилаш мумкин эмас. Бундан ташқари, айрим синф ишларини, баъзан ёзма ишларни, кўпинча эса оғзаки берилган жавобларни баҳолашда ҳар хил ёндашувлар қайд этилиши мумкин. Бу синовчи, яъни диагностик таҳлил ўтказувчи қилинаётган ишларнинг туб мақсадига тушуниб етишига, масъулиятига, ишга бўлган ёндашувига, ва ниҳоят унинг савиясига боғлиқ.

Бундан келиб чиқадиган амалий хулоса шуки, педагогик диагностикани амалга оширишда риоя-андиша, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик ёки бошқа нохушлиқлар аралашса, ҳақиқий аҳвол аниқланмайди, умумий ишга путур етади, камчилик ва нуксонлар очилмай хаспўшланади, таълимни такомиллаштиришдан кўзда тутилган мақсадлар очилмай қолади.



Педагогик олий таълим муассасалари ўрганилганда юқорида келтирилган критериялар асосида қатор муаммолар борлиги аниқланди. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш учун қуйидаги ишларни амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

✚ таълим муассасасида бўлажак ўқитувчиларининг касбий фаолият тузилмаси элементларини таҳлил қилиш ва уларнинг мазмунини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш;

✚ педагогик билимлар асоси сифатида фанлараро интеграция, педагогик ва махсус фанлар интеграцияси мазмуни ва даражаларини аниқлаш орқали педагог кадрларни касбий компетенцияларини ривожлантириш;

✚ педагогик билимлар, интеграцион-педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусияти ва замонавий тенденцияларига таянган ҳолда умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва амалиётда жорий этиш;

✚ олий таълимда бўлажак педагог талабаларнинг тайёргарлик даражасини педагогик диагностика қилиш усулларини тадқиқ этиш ва объектив баҳолаш мезонларининг ташкилий-функционал имкониятларини кенгайтириш;

✚ бўлажак ўқитувчиларнинг малака талаблари ва педагогик тайёргарлик даражаларини интеграциялаш асосида соҳаси бўйича фаолиятга тайёрлаш концепцияси мазмунини такомиллаштириш ва амалга татбиқ этиш.

Хулоса сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Диагностик мезонлар ва педагогик воситаларни интеграциялаш асосида уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш орқали бўлажак ўқитувчининг фаолият тузилмаси элементлари (мантиқийлик, инновационлик ва ўз-ўзини бошқариш) мазмуни такомиллаштириш мумкин.

2. Бўлажак мутахассисларнинг шахсий ва муҳим сифатларини шакллантириш босқичларини классификациялаш асосида назарий, амалий, илмий-тадқиқот тайёрлов йўналишлари бўйича мобиллик, рефлексивлик, интегративлик каби компетенцияларни ривожлантириш механизми такомиллаштириш лозим;

3. Педагогик билимлар интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда ўқув-услубий таъминотини оптималлаштириш асосида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси такомиллаштириш;

4. Эксперт баҳолаш мезонларини белгилаш ва уларнинг объективлик, интегративлик, қайтар алоқа ўрнатиш, психологик мослашувчанлик каби ташкилий-функционал имкониятларини тизимлаштириш орқали бўлажак ўқитувчиларни тайёргарлик даражасини педагогик диагностика қилиш усулларини (специфик таҳлил, интенсив тренинг, муаммоли вазият, ностандарт тест) такомиллаштириш.

#### Фойдаланилган адабиётлар



1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлигини ва инсон манафаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон-2017, 47-б.
2. Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси», Т., 2000й., Ўзбекистон миллий энциклопедияси - давлат илмий нашриёти, 94-95 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 22-қ/қ-қўшма қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом».
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.06.2018 й., 07/18/3775/1313-сон.
5. Спенсер Г. Основания психологии. –М.: ООО «Издательство АСТ-ЛТД», 1998. – С.560.
6. Skinner B.F. The technology of Teaching. – New York, Appleton. Century Grofts, 1968.
7. Gilbert J. (2004). The model for the development of teachers' (p. 258278). New York: Routledge Falmer.
8. Fernandez-Balvoa J., Stiehl J. (1995). The general nature of the pedagogical content knowledge among college professors. Education and teacher education, 11 (3), 293-306.